O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарканд вилояти
Самарканд тумани
ҲОКИМИ

# QAROR

2009 yil "30" сентябрь №1001-К.

**Тумандаги «Даштакиболо» кишлок фукаролар йигинига карашли Гулобод кургони худудида «Эгзотика Плюс Савдо» МЧЖ томонидан 2000 тоннага мулжалланган мева- сабзавотларни саклаш музлатгич цех биносини фойдаланишга кабул килиш тугрисида**

Тумандаги «Даштакиболо» кишлок фукаролар йигинига карашли «Гулобод» кургонида жойлашган «Эгзотика Плюс Савдо»МЧЖ туман хокимлигигаи хат билан мурожаат килиб, туман хокимининг 2008 йил 4 февралдаги 120-К сонли карори билан «Гулобод» кургони худудидан 2000 тоннага мулжалланган мева-сабзавотларни саклаш, музлатгич цехи биноси куриш учун ер майдони ажратилганлигини, хозирги кунда ушбу бино иншоатлар куриб битказиганлигини шу муносабат билан ушбу бино иншоатларга эгалик килиш ва ер майдонидан доими фойдаланиш хукукини бериш хакида карор чикаришни сураган.

Юкоридагиларни хамда туман Давлат кабул килиш хайъатининг 2009 йил 24 сентябрдаги далолатномасини инобатга олиб, Узбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 20 моддасига асосан ,

**КАРОР КИЛАМАН:**

1.Тумандаги «Даштакиболо» кишлок фукаролар йигинига карашли «Гулобод» кургони худудида «Эгзотика Плюс Савдо» маъсулияти чекланган жамияти томонидан туман хокимининг 2008-йил 4 февралдаги 120-К сонли карори асосида 4,0 га ер майдонининг 2,60 га ер майдонида 2000 тоннага мулжалланган мева-сабзавотларни саклаш музлатгичи цехи биноси куриш ишлари ва 1,40 га ер майдонида ободонлаштириш ишлари тугатилганлигини инобатга олиб, туман Давлат кабул хайъатининг 2009 йил 25 сентябрдаги тузган далолатномаси тасдиклансин.

2. «Эгзотика Плюс Савдо» маъсулияти чекланган жамияти томонидан 2000 тоннага мулжалланган мева-сабзавотларни саклаш музлатгичи цехи биносига эгалик килиш хамда 4,0 га ер майдонидан доимий фойдаланиш хукуки берилсин, шунингдек туман ер тузиш ва кучмас мулк давлат кадастр хизмати унитар корхонаси руйхатидан утказиш топширилсин.

3. Ушбу карор ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Кодиров зиммасига юклансин.

**Туман хокими** **Б.Садуллаев**

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарканд вилояти
Самарканд тумани
ҲОКИМИ

# QAROR

)09 yil "30" сентябр — № 1002-К.

**«Тумандаги «Охалик» кишлок фукаролар йигини «Мулиён» махалласида«САМТЕХПРОЕКТСТРОЙ» хусусий фирмаси томонидан биринчи навбат курилиши тугатилган акфа ромлари ишлаб чикориш цехи ва тайёр махсулотларни сотиш савдо дуконини фойдаланишга кабул килиш тугрисида»**

Узбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»-нинг 20 моддаси, туман хокимининг 2008 йил 4 февралдаги 124-К сонли карори, «САМТЕХПРОЕКТСТРОЙ» хусусий фирмасининг туман хокимлигига ёзган хати хамда туман давлат кабул килиш хайъатининг 2009 йил 25 сентябрдаги тузган далолатномасига асосан

**К А Р О Р К И Л А М А Н:**

1.Тумандаги «Охалик» кишлок фукаролар йигини «Мулиён» махалласи худудида «САМТЕХПРОЕКТСТРОЙ» хусусий фирмаси томонидан туман хокимининг 2008 йил 4 февралдаги 124-К сонли карори асосида ажратилган 0,25 га ер майдонида масохати 147 м.кв акфа ромлари ишлаб чикориш цехи,масохати 180 м.кв навес (айвон) ва масохати 270 м.кв тайёр махсулотларни сотиш савдо дуконини биринчи навбат курилиши тугатилганлигини инобатга олиб туман давлат кабул килиш хайъатининг 2009 йил 25 сентябрдаги тузган далолатномаси тасдиклансин .

2. «САМТЕХПРОЕКТСТРОЙ» хусусий фирмаси томонидан биринчи навбат курилиши тугатилган акфа ромлари ишлаб чикориш ва тайёр махсулотларни сотиш савдо дуконига эгалик килиш хукуки берилсин хамда кучмас мулк ва ер кадастри хизмати булими руйхатидан утказиш топширилсин.

3. Ушбу карор ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б.Кодиров зиммасига юклансин.

**Туман хокими** — **Б.Садуллаев**